Фуқаролик ҳуқуқиди конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари натижаларига кўра қуйидаги натижалар олинган: жумладан, конфиденциал ахборот тушунчасининг ҳуқуқий жиҳатлари ва унинг ҳуқуқий хусусиятлари ишлаб чиқилган (University of Pennsylvania, Queensland University of Technology); ахборот хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлаш масалалари асослантирилган (University of Brussels, Widener University); хорижий мамлакатлар мисолида маънавий зарарни аниқлаш ва ахборотни муҳофазалаш бўйича ҳуқуқий муаммолар кўриб чиқилган (University of Miami, University of Oxford); шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича махсус қонунлар қабул қилган мамлакатлар қонунчилиги ёритиб берилган (Санкт-Петербург давлат университети, Россия одил судлов академияси, Москва давлат юридик академияси); фуқаролик муомаласиди конфиденциал ахборотдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилишни такомиллаштириш механизми ишлаб чиқилган (ТДЮУ); фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларди конфиденциал ахборот ўрнини аниқлашнинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилган (ЖИДУ).

Бугунги кунди дунёди конфиденциал ахборотни фуқаролик ҳуқуқиди ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича, жумладан қуйидаги йўналишларди қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқди: конфиденциал ахборотни махсус органлар томонидан ҳимоя қилиш афзалликлари; конфиденциал ахборотни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча механизмларни шакллантириш; конфиденциал ахборотни трансчегаравий топшириш; конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш; ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ва интеллектуал мулк институтининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Конфиденциал ахборотни ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳиди масалалари миллий юриспруденция вакиллари томонидан ўрганилган. Ушбу жиҳатдан З.С.Ақромходжаева, М.Х.Баратов, М.М.Вохидова, С.С.Гулямов, И.Б.Зокиров, И.Б.Ибратов, Н.Ф.Имомов, Ш.Р.Қараходжаева, Р.Матқурбанов, О.С.Нарзиев, И.И.Насриев, А.Нормуминов, Д.А.Огай, О.Окюлов, Х.А.Палуаниязов, Х.Р.Раҳмонкулов, Ш.Н.Рузиназаров, М.Х.Рустамбаев, Б.Шербоев ва бошқаларнинг ишлари катта эътиборга лойиқдир.

Конфиденциал ахборотнинг алоҳиди турлари ҳуқуқий режими муаммосини тадқиқ этган хорижий мамлакатлар олимлари орасиди И.Л.Бачило, С.В.Вихорев, И.М.Гостев, Ю.Б.Долгополов, Н.Н.Ковалева, З.Ф.Гайнуллина, Н.С.Гуляева, А.В.Коломиец, В.М.Редкоус, Ю.Чумаченко, P.Alexandre, A.Andrew, Adrian FitzGerald, R.Jamie, H.Benjamin, E.Frauman,

S.Grossman, O.Hart, J.Moore, N.Laura, Л.Хоффман, Морита Акио, M.Platzer, W.Saumweber, R.Stim<sup>1</sup> каби олимларни келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ юқорида кўрсатиб ўтилган олимларнинг ишлари конфиденциал ахборотнинг алоҳида турлари режимини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича алоҳида элементларни кўриб чиқишга йўналтирилган бўлиб, фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий режими масалаларини комплекс ҳал этишни ўз ичига олмайди. Шу билан бирга, конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий режимини, конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш механизмларини, жумладан ушбу соҳада ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг оқилона чораларини ўрнатиш мавзуси, шунингдек бошқа кўплаб муҳим масалалар очик ва кўриб чиқилмаган ҳолда қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш» (2013-2018), «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014-2019) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ахборот ҳуқуқининг янги комплекс кичик тармоғини – ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқни шакллантириш;

фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотнинг турларини (тижорат, хизмат ва давлат сирлари) ўзаро нисбати ва ўзгаришини баҳолаш;

корхонанинг тижорат сиридан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш механизминини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

корхонанинг конфиденциал фаолиятига оид фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларини тузиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш;

шартномадан ташқари муносабатлар доирасида тижорат сири эгалари ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни асослантириш;

тижорат конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий режимини ўрнатиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича назарий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш.

---

<sup>1</sup> Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган.

**Тадқиқотнинг объекти** конфиденциал ахборотдан, хусусан тижорат сиридан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотдан, хусусан тижорат сиридан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, илмий-назарий қарашлар, шунингдек ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация масалаларини тадқиқ этиш умумлаштириш, дедукция услублари, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юримдик таҳлил, статистик материалларни таҳлил қилиш асосида жамиятда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибани таҳлил этишга асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юримдик шахснинг таъсис ҳужжатларидаги, юримдик шахслар, яққа тартибдаги тадбиркорлар ва юримдик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари ҳақидаги ёзувлар тегишли давлат реестрларига киритилганлиги фактини тасдиқлайдиган ҳужжатлардаги маълумотлар корхонанинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборот ҳисобланмаслиги ҳақидаги тақлифлар асосланган;

тижорат сири эгасининг тижорат сирини унинг махфийлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги шартлар киритилишини назарда тутадиган шартномалар асосида фуқаролик муомаласига киритиши мумкинлиги асосланган;

шахсларга корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахборотини ўз ичига олган маълумотлари ва ҳужжатларидан ишда фойдаланишига ижозат бериш, шунингдек тижорат сири ва конфиденциал ахборотни ўз ичига олган ҳужжат ва ишларни самарали ҳисобга олиш, сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланишга оид қоидалар асослаб берилган;

корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахбороти тўғрисидаги намунавий низомларининг янги фуқаролик-ҳуқуқий конструкциялари асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборот тизими шакллантирилган, корхонанинг тижорат конфиденциал ахборотига бўлган ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақоми белгиланган, шахсларга корхонанинг конфиденциал ахборотидан ишда фойдаланишига ижозат бериш, тижорат сири ва конфиденциал ахборотни ўз ичига олган ҳужжат ва ишларни самарали ҳисобга олиш, сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек корхонанинг тижорат конфиденциал ахборотини ошқор этганлиги учун ходимнинг жавобгарлиги механизми ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг конфиденциал фаолият соҳасига ғайриқонуний аралашганлик учун давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органларини жавобгарликка тортиш механизми ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари раҳбарларига корхонанинг тижорат сири ҳисобланадиган ахборотнинг аниқ доирасини белгилашга имкон берадиган конфиденциал тусдаги маълумотларнинг ягона рўйхати ишлаб чиқилган;

корхонада конфиденциал ахборотни фуқаролик-ҳуқуқий муомаласи бўйича муносабатларни унификация қилиш мақсадида конфиденциалликни сақланиши кафолатланишини инобатга олган ҳолда тижорат сирини тақдим этиш механизми ишлаб чиқилган;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида ахборот тизимлари ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишни ўз ичига олувчи ахборот ҳуқуқининг янги комплекс кичик тармоғи – «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқ»ни шакллантиришга доир тегишли таклифлар асослантилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Илмий ишнинг ҳар бир боби сўнгида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация иши хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар, қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича таклифлар фуқаролик ҳуқуқи фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланган. Тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончлилиги фақатгина расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унинг илмий-назарий хулосалари, тавсия ва таклифлари фуқаролик ҳуқуқи фанининг илмий-назарий бойишига хизмат қилади, фуқаролик ҳуқуқида конфиденциал ахборотни муҳофаза қилиш, унинг предмети ва моҳияти, конфиденциал ахборотдан фойдаланишни такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқ назариясида конфиденциал ахборот ўрнини аниқлаш муаммолари билан боғлиқ мавзулар бўйича янги илмий тадқиқотлар амалга оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ва таклифлар конфиденциал ахборот бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришда, «Ахборот ҳуқуқи», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Хўжалик ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ» фанларидан маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлардан:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида тижорат сири ҳисобланмайдиган маълумотлар рўйхати, тижорат сирига бўлган талаблар, тижорат сири ҳисобланган ахборотга бўлган ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий мақомини ўрнатиш, тижорат сири ҳисобланадиган ахборотнинг ҳуқуқий режимини бузганлик учун давлат органларининг жавобгарлиги, тижорат сири ва ноу-хаунинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, меҳнат муносабатлари жараёнида тижорат сирини ҳимоя қилиш чоралари, шунингдек судда тижорат сири билан таништириш чегараларига оид қисмида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-374-сон «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинишида фойдаланилган (хусусан, қайд этилган Қонуннинг 4-модда биринчи қисми 1,2 хатбошлари; 5-модда биринчи қисми 2,3,4,6,7,8,9,10,11 хатбошлари; 6-модда иккинчи қисми 1,7 хатбошлари; 11-модда биринчи ва иккинчи қисмлари; 17-модда иккинчи қисми 2 хатбоши) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2017 йил 30 январдаги 06-18/792-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалга ошириш тижорат сирига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга олиб келади;

«Корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахбороти тўғрисидаги намунавий низоми»нинг 1.3.-2.0., 2.7.-4.6. бандлари «Ўзтрансгаз» ДАК тижорат сири тўғрисидаги низоми»га шахсларга корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахборотини ўз ичига олган маълумотлари ва ҳужжатларидан ишда фойдаланишига ижозат бериш, тижорат сири ва конфиденциал ахборотни ўз ичига олган ҳужжат ва ишларни самарали ҳисобга олиш, сақлаш, кўпайтириш ва улардан фойдаланиш, шунингдек корхонанинг тижорат конфиденциал ахборотини ошкор этганлиги учун ходимнинг жавобгарлигига оид ўзгартиш ва кўшимчалар киритишда фойдаланилган («Ўзтрансгаз» ДАКнинг 2016 йил 14 декабрдаги 02-04-12-478/7468-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар корхонада тижорат конфиденциал ахборотдан фойдаланиш ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади;

«Корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахбороти тўғрисидаги намунавий низоми»нинг 1,2-Иловалари «Ўзтрансгаз» ДАК тижорат сири ҳисобланадиган маълумотлари рўйхати»га, шунингдек «Ўзтрансгаз» ДАК конфиденциал маълумоти ҳисобланадиган маълумотлари рўйхати»га ўзгартиш ва кўшимчалар киритишда фойдаланилган («Ўзтрансгаз» ДАКнинг 2016 йил 14 декабрдаги 02-04-12-478/7468-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши корхонада тижорат конфиденциал ахборотни ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқотнинг натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 3 та ўқув қўлланма, 1 та ўқув-услубий қўлланма, 32 та илмий мақола (7 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Докторлик диссертацияси кириш, 16 та параграфни қамраб олган 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 246 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби «**Конфиденциал ахборот фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим объекти сифатида**» тўрт параграфдан иборат бўлиб, улар доирасида бозор иқтисодиёти шароитида ахборотдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, фуқаролик муомаласида фойдаланиши чегараланган ахборот тушунчаси ва турлари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий режими элементлари, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда конфиденциал ахборотни муҳофаза қилиш режими сифатида сирнинг ҳуқуқий мақоми тадқиқ этилган.

Бугунги кунда фуқаролик ҳуқуқи объектлари, жумладан ахборот ҳам цивилизация ривожланиши жараёнида алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳеч кимга сир эмаски, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бир объектида ўзига хос ҳуқуқий режими мавжуд бўлиши лозим. Масалан, кўчар ва кўчмас мулклар, пул, қимматли қоғозлар, ишлар ва хизматлар, шунингдек интеллектуал мулк объектлари каби фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бугунги кунга келиб цивилист олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган ва турли ҳуқуқий механизмлар доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киритилган бўлса, афсуски, ахборот, жумладан тижорат қийматга эга бўлган конфиденциал ахборот замонавий фуқаролик ҳуқуқининг нисбатан ёш институти ҳисобланади. Шунинг учун, цивилистлар томонидан ахборотга етарли эътибор мавжуд эмаслиги



туфайли ахборотни ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида ўрнини аниқлашда, жумладан ахборотни моддий ёки номоддий дунё объектига киритиш лозимлиги, ахборотнинг фуқаролик ҳуқуқининг тўлақонли объекти эканлигига оид ва бошқа саволларни ҳал этишда маълум бўшлиқлар вужудга келмоқда.

Хусусан, фуқаролик ҳуқуқида ахборотга нисбатан мулк ҳуқуқини ўрнатишга оид масала ноаниқ ҳал этилган. Кўплаб цивилистлар ахборотга нисбатан мулк ҳуқуқи институти қоидаларини татбиқ этишни низоли ҳисоблайдилар (О.Окюлов, Н.Ф.Имомов, И.Р.Рустамбеков, Е.А.Суханов, И.М.Гостев ва бошқалар). Ушбу масала бўйича оралик позицияга эга бўлган шундай гуруҳ муаллифлар борки, уларнинг фикрича ахборот икки ёқлама тусга эга бўлиб, ўз ичига ҳам моддий, ҳам номоддий категорияларни олади; шу сабабли унга нисбатан фақат мулк ҳуқуқи ёки интеллектуал мулк ҳуқуқи нормаларини қўллаш мушкулдир (С.М.Сафоева, И.Л.Бачило, С.В.Вихорев, Benjamin H.). Юқоридаги муаллифлар фикрини таҳлил қилиб, ахборот ҳам мулк ҳуқуқи, ҳам интеллектуал мулк ҳуқуқи институти нормаларини ўз ичига олган фуқаролик муносабатларнинг алоҳида объекти эканлиги тўғрисидаги ҳулосага келинмоқда.

Замонавий бозор шароитида фуқаролик қонунчилиги ислоҳ этилиши жараёнида «муомала», «мулкый муомала», «фуқаролик муомаласи» каби атамалар янада кенгроқ қўлланилмоқда. Фуқаролик муомаласининг фарқли жиҳати унинг иштирокчиларининг мулк топширилиши асосидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги саналади.

Ахборот ва ундан фойдаланувчилар орасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳати ахборот ҳуқуқи нафақат мавжуд бўлган ҳуқуқий воситалардан, балки махсус концепция, тушунча ва атамалардан, масалан ахборот эгаси, ахборотдан фойдаланишга ижозат, ахборотнинг ҳуқуқий режими каби тушунчалардан фойдаланилишига олиб келади. Табиийки, барча ушбу муаммоларнинг мавжудлиги қонуниятдир ва замонавий дунёда ахборот жамияти ва ахборот хавфсизлигининг тезкор ривожланиши билан белгиланади. Шу сабабдан ҳам, ахборот хавфсизлиги соҳасида вужудга келадиган муносабатлар ҳам ахборот соҳасига, ҳам миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасига киради, бундан ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқи ахборот соҳасида миллий манфаатларни турли хавфлардан ҳимоя қилиш бўйича ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар жамланмаси ҳисобланадиган ахборот ҳуқуқининг кичик тармоғи эканлиги тўғрисидаги тўхтамга келинади.

Бунда объект ахборот хавфсизлиги ҳисобланиб, предмет эса уни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар саналади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳимоя объектларининг қуйидаги уч гуруҳини белгилаб олиш лозим:

1) ахборотни ва унга бўлган ҳуқуқни (жумладан, ахборотдан фойдаланишга ижозат олиш ҳуқуқи, сирга бўлган ҳуқуқ, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни) ҳимоя қилиш;

2) инсон ва жамиятни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш;

3) ахборот тизимлари ва уларга нисбатан ҳуқуқларни (жумладан, давлатнинг мамлакатда ягона ахборот маконини сақлаб қолиш бўйича ҳуқуқ ва манфаатларини) ҳимоя қилиш.

Кейинчалик, бобда фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотнинг ўрни ва аҳамияти қуйидагиларда ўз ифодасини топиши келтириб ўтилган:

бозор иқтисодиёти шароитида конфиденциал ахборот рақобатбардош муҳитни шакллантиришнинг ишчан механизми ҳисобланади;

ахборот технологиялари асрида конфиденциал ахборот тадбиркорлик бозорида товар тусига эга бўлди;

конфиденциал ахборот ўз эгаси учун улкан фойда ва афзалликларнинг манбаси саналади;

конфиденциал ахборот жамоатчилик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги инсон, жамият ва давлатнинг исталган фаолиятида энг муҳим ва зарур элемент ҳисобланади, чунки барча соҳаларда – ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий соҳада конфиденциал ахборот мавжуд;

конфиденциал ахборот фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектларига турли аралашувлардан катта эркинлик берадиган восита ҳисобланади.

Чегараланган фойдаланишдаги ахборотни мавжуд туркумлаштириш таҳлили шуни кўрсатдики, туркумлаштиришнинг барча афзалликларида ҳам, улар ҳуқуқий тартибга солишнинг барча элементларини тўлақонли қамраб олмайди (И.И.Насриев, А.А.Фатъянов, С.М.Паршин, Н.Венҗамин ва бошқалар). Масалан, давлат сирини конфиденциал ахборот тизимидан чиқариб ташлайдиган муаллифлар гуруҳи мавжуд (С.М.Паршин, Н.Венҗамин, Е.Фрауман). Бунга қўшилиш қийин, чунки фуқаролик муносабатларида тижорат сирини давлат сирини айланишида улар бошқа сир турлари каби тенг аҳамиятли ҳуқуқий муҳофаза режимига эга бўладилар.

«Ҳуқуқий режим» тушунчасининг кўплаб бир-бирига зид таърифларига қарамасдан, тижорат сирини давлат томонидан ҳуқуқий норма кўринишида ўрнатилган ва давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланган ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида тартиби эканлиги айтиб ўтилмоқда. Бинобарин, тижорат сирини ҳуқуқий режимининг элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

тижорат сирини ҳисобланадиган маълумотларнинг конфиденциаллигига бўлган ҳуқуқни белгилаш;

ижозат даражасига қараб, тижорат сирини кирадиган ахборот категорияларини белгилаш;

тижорат қимматга эга бўлган ахборотни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тартибини ўрнатиш.

Хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонунига тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини назарда тутувчи алоҳида нормани киритиш тўғрисидаги хулосага келинмоқда. Ушбу рўйхат ҳам тадбиркорларнинг ўзини ҳимояланганлик даражасини ортишига олиб

келади, ҳам хўжалик субъектларининг конфиденциал бўлган фаолиятига давлат органлари томонидан ғайриқонуний аралашувига йўл қўймайди.

Шуни айтиш лозимки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида сирнинг умумҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Илмий адабиётларда сирларнинг алоҳида турларини таърифлашда турли баҳсли, айрим ҳолларда бир-бирига зид қарашлар мавжуд. Қатор таърифларда сирнинг аниқ хусусиятлари мавжуд эмас, бу эса қонун билан муҳофаза қилинадиган сирларга тажовуз ҳолатида тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва квалификация қилишни қийинлаштиради.

Конфиденциал ахборотни сир билан бир хил деб ҳисоблайдиган муаллифлар гуруҳи ҳам бор (А.И.Алексенцев, А.А.Дворников, R.Knapenrase, R.Stim ва бошқалар). Ушбу ёндашув мантиқан нотўғри, чунки сир яна чегараланган фойдаланишдаги ахборотнинг ҳуқуқий режимини англатади. Ушбу ҳолатда «сир» тушунчаси «конфиденциал ахборот» тушунчасидан кенгрокдир, чунки ўз ичига ҳуқуқий режим элементларини ҳам олади. Демак, конфиденциал ахборот – фақат ахборотнинг тури бўлиб, ундан фойдаланиш қонун билан чегараланади. Уни муомалага киритиш эса сир режимига тушади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи боби **«Тижорат сирини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида»** тўрт параграфдан ташкил топиб, унинг доирасида Ўзбекистон Республикасида тижорат сирини оид қонунчилик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, фуқаролик ҳуқуқи объектлари тизимида тижорат сирининг ўрни, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг тушунчаси ва асосий жиҳатлари, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тижорат сирини ва ноу-хаунинг ўзаро нисбати кўриб чиқилган.

Ушбу бобда қонунчиликнинг ривожланиши шартли равишда қўйидаги даврларга бўлиниши таклиф этилади:

1. Мусулмон даври (ҳунар пайдо бўлишидан XX аср бошигача). Шубҳасиз, конфиденциал ахборотга оид маълум масалалар мусулмон давридан олдин ҳам мавжуд бўлган, мисол учун, конфиденциалликни сақлаб қолиш шартини билан турли савдо қоидалари, фуқаролик-ҳуқуқий, оилавий-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг айрим жиҳатлари қадимги манбаларда, жумладан Авестода ҳам келтириб ўтилган. Бирок, бугунги кунда ушбу соҳада мусулмонлик ҳукмронлиги давридан бошлаб тижорат сирини тўғрисидаги қонунчилик ривожланишини ўрганиш биз учун энг аҳамиятли ва муҳим саналади. Шариатда Қўрьон, хадисларда қайд этилган виждонли савдо олиб боришнинг турли қоидалари билан боғлиқ кўплаб нормалар мавжуд. Ислом ҳуқуқи бўйича турли қўлланма (шарҳлар) ҳам мавжуд бўлган (мисол учун, савдо компанияларини ташкил этиш, капитални жамлашнинг амалий жиҳатларини ўз ичига олган «Ал-Ҳидоя»). Ушбу даврда сирда муҳим ахборотни сақлаш билан боғлиқ кўплаб афсоналар мавжуд бўлган.

2. Совет даври (XX аср бошидан – 1991 йилгача). Совет ҳукумати ўрнатилиши билан миллий қонунчилигимиздан конфиденциал ахборотни

муҳофаза қилиш институти маълум сабабларга кўра йўқолиб кетди. Тижорат сирининг институтининг қайта тўғилиши 1990 йил 4 июнда «ССРИда корхоналар тўғрисида»ги ССРИ Қонуни қабул қилиниши билан боғлиқдир. РФ Олий Советининг 1992 йил 14 июлдаги 3301-1-сонли қарори билан ССРИ Олий Совети томонидан 1991 йил 31 майда қабул қилинган ССР Иттифоқи ва республикалари фуқаролик қонунчилиги асослари амалга киритилган.

3. Замонавий давр (1991 йилдан ҳозирги кунга қадар). Ушбу давр шартли равишда уч босқичга бўлиниши таклиф этилади:

Биринчи босқич, конфиденциал ахборот институтининг ҳуқуқий базаси шаклланиши (1991-2000 йиллар). Бу даврда конфиденциал ахборотнинг мақомини белгиловчи асосий ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқалар).

Иккинчи босқич, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва шу билан конфиденциал ахборот тўғрисидаги қонунчиликни тизимлаштириш (2000-2011 йиллар). Ушбу босқич Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан бошланади. Бу босқичда конфиденциал ахборот турларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинган: Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Давлат статистикаси тўғрисида», «Банк сирининг тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Учинчи босқич, демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш (2011 йилдан ҳозирги кунга қадар). Қонунчилик ривожланишининг учинчи босқичи бошланишига Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг маърузалари, хусусан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирининг тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, бу қонун, афсуски, тижорат тусидаги конфиденциал ахборотни муҳофаза қилиш бўйича вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимига кутилаётган натижаларни бермади. Ўзбекистон Республикасида турли ахборотларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муҳим вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгиланган.

Бугунги кунда тижорат сирининг интеллектуал мулк ҳуқуқи объекти сафига киритиш бўйича масала ҳам узил-кесил ҳал этилмаган. Ушбу масалада икки қарама-қарши ёндашувга бўлинган олимларнинг фикри жуда ҳам қизиқ.

Биринчи ёндашув тарафдорлари тижорат сири ҳисобланадиган ахборотни интеллектуал мулк ҳуқуқи таркибига киритишади (О.Окюлов, И.Р.Рустамбеков, А.П.Сергеев, В.А.Дозорцев, А.А.Фатьянов, R.Stim ва бошқалар), иккинчи ёндашув тарафдорлари эса тижорат сири ҳисобланадиган ахборот замонавий фуқаролик ҳуқуқининг мустақил объекти саналади деб фикр юритадилар (О.А.Городов, А.В.Коломиец, F.F.Schmidt ва бошқалар).

Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат сири икки маънони англатадиган тусга эга. Бир тарафдан, интеллектуал мулк объекти сифатида тижорат сирини ташкил этувчи ахборот инсоннинг интеллектуал фаолияти натижасида вужудга келади. Бироқ, бошқа тарафдан, бугунги кунда тижорат сири ва интеллектуал мулк объекти орасида фарқлар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикаси ФК 98-моддаси тижорат сирининг хусусиятларини белгилаб беради. Ушбу норма мазмунини танқидий тушунган ҳолда, 98-модданинг тижорат сири «бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган», «қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган» оид қоидалари тушунарсиз эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ахборот нафақат учинчи шахсларга номаълумлиги оқибатида тижорат қимматга эга бўлади. Биринчи навбатда, ахборотнинг қиймати унинг мазмуни билан аниқланади. Ахборотдан баҳраманд бўлиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги шарт «қонун йўли билан» каби ортиқча изоҳга эга.

Тижорат сирига оид миллий ва хорижий қонунчилик нормалари таҳлили асосида, ушбу тадқиқотда тижорат сирининг қуйидаги муаллифлик таърифи таклиф этилади: тижорат сири бу – нашр этилмаган, ўз эгасига тижорат қимматга эга, учинчи шахсларда унга нисбатан эркин фойдаланиш ижозати бўлмаган ва эгаси унинг конфиденциаллигини муҳофаза қилиш чоралари кўрадиган илмий-техник, технологик, ишлаб чиқариш, молиявий ва иқтисодий ёки бошқа маълумот.

Ўзининг ўзига хослигига қарамасдан, амалиётда сирнинг бир тури бошқасига айланиши ҳолатлари ҳам мавжуд. Тадбиркорлик фаолиятида тижорат қимматга эга конфиденциал ахборот айрим субъектлар фаолиятида қўлланилганида бошқа сир турларига мос бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан қўшимча таъминланади (масалан, хизмат, давлат сири ва бошқалар). Конфиденциал ахборотнинг ҳуқуқий институтлари ўзаро алоқада бўлади. Одатда, ахборот конфиденциал ахборотнинг у ёки бу турига тааллуқли эканлигини аниқлаш қийин бўлган вазиятлар ҳам вужудга келади. Шунинг учун, ишда тижорат ва давлат, шунингдек тижорат ва хизмат сирларининг ўзаро нисбати кўриб чиқилган.

Бугунги кунда тижорат сири ва ноу-хаунинг ўзаро нисбати масалалари ҳам илмий назарияда, ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида мунозарали ҳисобланади. Масалан, ушбу масала бўйича олимларнинг икки бир-бирига зид фикрлари мавжуд. Биринчи гуруҳ муаллифлар ушбу тушунчаларни уларнинг мазмунидаги фарқига қарамасдан синоним деб ҳисобласа

(Е.В.Терехова), иккинчи гуруҳ муаллифлар эса тижорат сирини ва ноу-хау ҳуқуқий тартибга солиш маконининг икки қарама-қарши томонларида жойлашган тушунчалар деб эътироф этишади (В.А.Дозорцев, Е.К.Волчинская, R.Stim).

Ноу-хау ҳар доим ҳам тижорат сирини ҳисобланадиган ахборот қаторига кирмайди, чунки ноу-хау тушунчасига амалий масалаларни ҳал этиш усулларига оид маълумотлар, шунингдек рақобат мавжуд бўлган исталган соҳада қўлланилиши ижобий самара берадиган бошқа конфиденциал ахборот кириши мумкин. Бу билан у эгасига фақат тижорат қимматга эга бўлган тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан тубдан фарқланади. Конфиденциал ахборот тури сифатида ноу-хау фақатгина тижорат сирини режимига тушмайди. Айрим ҳолларда ноу-хау бошқа сирларнинг режимига муҳофаза этилиши лозим (масалан, давлат, хизмат ва бошқалар).

Тадқиқотнинг учинчи боби **«Фуқаролик муомаласида тижорат сирини фойдаланишга бўлган ҳуқуқнинг умумий тавсифи»** уч параграфдан иборат бўлиб, тижорат қимматга эга бўлган ахборотдан фойдаланишнинг субъектив ҳуқуқлари мазмунининг ўзига хос жиҳатларини, тижорат сирини бўлган ҳуқуқ субъектлари категорияси, шунингдек тижорат сирини бўлган ахборотни тақдим этишда вужудга келадиган муаммоларни ёритиб беради.

Таъкидлаш жоизки, тижорат сирини саналадиган маълумотларга бўлган ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ ҳисобланиб, қуйидаги ҳуқуқлар мажмуини ўз ичига олади:

тижорат сирини ҳисобланадиган маълумотларнинг фуқаролик муомаласидаги иштироки имконияти (исталган қонуний йўл билан ахборотни яратиш, топшириш ва тарқатиш);

учинчи шахслардан қайд этилган ҳуқуқларни таъминлайдиган тегишли ҳатти-ҳаракатларни талаб этиш имконияти;

ижтимоий неъмат – тижорат сирини ҳисобланадиган маълумотлардан тадбиркорлик фаолиятида даромад олиш учун фойдаланиш имконияти;

тижорат сирини бўлган ўз ҳуқуқи бузилганда давлат тузилмаларидан ҳимояни таъминлашни талаб этиш имконияти.

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот фақатгина мутлақ ҳуқуқ объекти ҳисобланиши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ФКда келтирилган ёндашув жуда ҳам баҳсли саналади. Ўзбекистон Республикаси ФК 64-бобида мулкӣ мутлақ ҳуқуқнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуққа ва мазкур ахборот эгасига бошқа шахсларнинг «унинг сирини бахабар бўлиши»дан ҳимоя қилишни кафолатлайдиган махсус ҳуқуққа йўл қуйилган. Ушбу ҳуқуқни «ахборотнинг конфиденциаллигига бўлган ҳуқуқ» деб аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунда ушбу ҳуқуқнинг бузилиши нафақат Ўзбекистон Республикаси ФК 1096-моддасида кўрсатиб ўтилган ахборотдан ғайриқонуний фойдаланиш билан, балки унинг ғайриқонуний олиниши ва ошкор этилиши билан ҳам ифодаланади. Демак, айнан моддий дунё объектларига кўпроқ тааллуқли бўлган мутлақ ҳуқуқдан ташқари,

конфиденциалликка бўлган ҳуқуқ ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқ тижорат сири саналадиган ахборотни кўриб чиқишда қўлланилиши лозим.

Илмий адабиётларда тижорат сири ҳисобланадиган ахборотга бўлган ҳуқуқ категориялари тўғрисидаги масалалар ҳам узил-кесил ҳал этилмаган.

Хусусан, айрим олимлар ҳуқуқлар мажмуига кўра тижорат сири саналадиган ахборот мулкдори ва эгаси орасида тенглик белгисини қўйишади (А.П.Фисун, А.Н.Касилов, О.Hart, J.Moore ва бошқалар). Ушбу фикр мантиқсиздир, чунки «ахборот мулкдори», «ахборот эгаси» тушунчалари номоддий шаклда бўлган, тижорат сири ҳисобланадиган ахборотга қўлланила олмайди.

Тижорат сири саналадиган ахборот субъектлари доирасини белгилашдаги ноаниқликлар, афсуски, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам мавжуд бўлиб, субъектлар мазмуни ва рўйхати, уларнинг ҳуқуқий мақоми хусусиятларини аниқлашда ягона ёндашувлар йўқдир. Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни ҳам «тижорат сири мулкдори» тушунчасини қўллайди. Мулк ҳуқуқи фақат тижорат сирини ташкил этувчи ахборот мавжуд бўлган моддий хотирага нисбатан татбиқ этилиши мумкин. Бинобарин, тижорат сирига бўлган ҳуқуқ субъектларини тижорат сирини ташкил этувчи ахборот «мулкдорлари» эмас, «эгалари» деб аташ тўғрисида хулосага келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни нормалари таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга ижозат олиш», «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни топшириш» ва «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш» каби тушунчалардан фойдаланади. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи юқорида қайд этилган қонунда мазкур тушунчаларни тўлақонли асослантормаган ҳолда қўллайди. Хусусан, «топшириш» ва «тақдим этиш» тушунчалари фақат субъект таркиби билан фарқланади. Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонунида «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни топшириш» тушунчасидан воз кечиб, умумий бўлган тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга ижозат беришни ташкиллаштиришга қаратилган мазкур ахборот эгасининг ҳаракатлари тушуниладиган «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш» тушунчадан фойдаланиш лозимлиги кўрсатилади.

Бугунги кунда тижорат сири тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этганлиги учун давлат ҳокимияти органларини жавобгарликка тортиш бўйича самаралари чоралар мавжуд эмас. Айнан шу ҳолат мамлакатимиз тадбиркорлари томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан уларнинг тижорат фаолияти соҳасига чегараланмаган аралашуви оқибатида мутасадди органларга мурожаат қилишга кўрқинининг асосий сабаби ҳисобланади. Қонунчиликда ҳўжалик субъектлари раҳбарлари томонидан тижорат сирини ташкил этувчи

маълумотлар тақдим этилиши чоғи уларнинг конфиденциаллиги бузилган ҳолатларда давлат ҳокимияти органлари жавобгарлигини белгилашга имкон берадиган нормани назарда тутиш лозим.

Илмий тадқиқотнинг тўртинчи боби «**Тижорат конфиденциал ахборотни фуқаролик-ҳуқуқий тартибда ҳимоя қилиш**» бешта параграфдан иборат бўлиб, унда тижорат қимматга эга конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги хорижий қонунчилик таҳлилининг ўзига хос жиҳатлари, тижорат сирига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари, шартномавий муносабатлар доирасида тижорат сири эгалари ҳуқуқини ҳимоя қилиш жиҳатлари, шартномадан ташқари муносабатлар доирасида тижорат сири эгалари ҳуқуқини ҳимоя қилиш жиҳатлари ёритилган.

Конфиденциал ахборот тўғрисидаги хорижий қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ривожланган кўплаб хорижий мамлакатларда тижорат сирини ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизми кенг жорий қилинган ва қонун билан мустаҳкамланган.

Шунга асосан, биринчи гуруҳ мамлакатлари деб шартли белгиланган қатор давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асос қилиб олинган хорижий тажриба таҳлили амалга оширилди. Ушбу танлов шу билан изоҳланадики, биринчидан, айнан ушбу мамлакатлар Ўзбекистон Республикаси билан интеграция муносабатларига киришиш эҳтимоли каттадир. Ва, иккинчидан, мазкур мамлакатлар ССРИ тарқалганига қадар давлат сири ва тижорат сирининг ҳуқуқий мақомини белгилаш масалаларини тартибга солиш ягона ҳуқуқий асосга эга бўлишган.

Шунингдек, Собиқ Иттифоқ мамлакатларининг, хусусан Ўзбекистоннинг ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболларини инобатга олган ҳолда айрим иқтисодий ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Буюк Британия, ГФР, Хитой, Таиланд (иккинчи гуруҳ мамлакатлари) каби давлатларнинг ахборотни ҳимоя қилиш масаласи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Амалга оширилган изланишлар натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, деярли барча мамлакатларда чегараланган фойдаланишдаги, бироқ қонунчилик билан фойдаланиши чегараланган давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олмайдиган ахборот давлат томонидан тартибга солинади. Ушбу категориядаги ахборотни ҳуқуқий тартибга солиш қонун шаклидаги махсус норматив ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Тижорат сирини ҳимоя қилиш бу – товар, иш ва хизматлар бозорида унинг эгасига қатор афзалликлар тақдим этадиган ахборот ошкор бўлиш хавфини камайтиришга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий, техник ва бошқа чоралар мажмуи. Ишда ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари аниқлашга оид кўплаб ёндашувлар мавжудлиги кўрсатилган. Ушбу масалада ҳуқуқни ҳимоя қилиш усули бу – тадбиркорнинг бузилган (низоли) ҳуқуқлари тикланиши (тан олиниши) ва ҳуқуқбузарга нисбатан таъсир кўрсатилиши



амалга ошириладиган, қонун билан мустаҳкамланган мажбурий тусдаги моддий-ҳуқуқий ва процессуал чоралар деб ҳисобловчи муаллифлар фикрига қўшилиш лозим.

Ишда тижорат сирига ноқонуний эга бўлишдан, шунингдек тижорат сиридан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш усуллари тадқиқ этилган. Хусусан, сўнгги йилларда конфиденциал ахборотга эга бўлишнинг энг машҳур усули «тескари инжиниринг» эканлиги кўрсатилмоқда<sup>1</sup>.

Конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқнинг энг самарали ҳимоя қилиш усули ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳисобланади. Илмий тадқиқот давомида олинган статистик маълумотлар асосида суд амалиётида йилдан йилга конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқ бузилишлари билан боғлиқ ишлар сони ортаётганлиги аниқланди. Мисол учун, агар 2015 йилда республика хўжалик судларига тижорат конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш бўйича 39 ариза келиб тушган бўлса, 2016 йилда ушбу кўрсаткич 63 тагача ортди ва 2017 йил январь-май ойларида 45 тани ташкил этди. Конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар сонининг ортиши ушбу турдаги ишлар машҳурлигидан далолат беради ва мамлакатимизда ушбу соҳадаги ҳуқуқий тусдаги самарали чораларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Ҳимоянинг юрисдикцион шакллари доирасида, Ўзбекистон Республикаси ФК 11-моддасида назарда тутилган усуллардан ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш усули қўлланилиши мумкин.

Тижорат сирига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги учун жавобгарликнинг турли кўринишлари қўлланилиши мумкин. Бироқ тижорат конфиденциал ахборотига бўлган ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликни белгилашда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик устувор аҳамият касб этади.

Жавобгарлик қуйидаги ҳолларда, агар:

муайян шахслар томонидан қонуннинг тегишли талабларига мос келувчи шартнома тузилган бўлса;

шартнома мазмунини ташкил этувчи маълум шартларни бузганлик учун шакли ва миқдори кўрсатилган ҳолда жавобгарлик белгиланган бўлса;

ва, қоида тариқасида, жавобгарлик шартномада белгиланган шартлар бузилганлиги оқибатида вужудга келса шартномавий ҳисобланади.

Ишда тижорат сирини ҳисобланадиган ахборот айнан қайси фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида контрагентга топширилиши ҳам илмий адабиётларда, ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ ҳал этилмаганлиги таъкидланади.

---

<sup>1</sup> Reverse engineering (русча «обратный инжиниринг») – бу тескари лойиҳалаш жараёни, яъни тайёр маҳсулотдан бошлаб то лойиҳалаш босқичигача маҳсулот тайёрлашнинг барча босқичларини ўташ.

Масалан, айрим муаллифлар тижорат сири контрагентга тижорат концессияси шартномаси орқали топширилиши керак деб ҳисобласа (И.М.Рассолов), айрим муаллифлар эса у лицензия шартномаси орқали топширилиши керак деб ҳисоблайдилар (В.Д.Юсупов, А.А.Клишина). Бу фикрга қўшилиш қийиндир, чунки лицензия шартномаси тижорат сирини топширишга тўлиқ мос келмайди. Тижорат сири саналган ахборот эгаси ушбу ахборотга нисбатан мутлақ ҳуқуққа ушбу ҳуқуқлар интеллектуал мулкнинг бошқа объектларига нисбатан қўлланиладиган тарзда эга бўлмайди. Тижорат сири механизми интеллектуал фаолият натижаси сифатида маълумотлар билан эмас, аксинча ушбу маълумотлар конфиденциаллиги билан боғлиқдир. Демак, тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни олган шахс унинг эгаси каби мазкур маълумотлардан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларига эга бўлади. Бундан ташқари, ушбу шартнома предмети мутлақ ҳуқуқ эмас, айнан конфиденциал ахборот ҳисобланади. Шартнома предметининг элементи тижорат сирининг ўзи ҳисобланиб, у эгаси томонидан бошқа шахсга тақдим этилади.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда, тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг алоҳида тури – тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги шартномалар орқали амалга оширилади. Мазкур шартнома кўплаб мамлакатларда алоҳида турдаги шартнома – *sui generis* сифатида тавсифланиб, ушбу шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг маълум бўлган бирон бир турига кирмайди. Айнан шу шартнома тадбиркорлик фаолияти субъектларининг тижорат сирини тақдим этиши бўйича барча зарур шартларни ўз ичига олиши лозим.

Фуқаролик ҳуқуқининг анъанавий ривожланиши шартномавий ва шартномадан ташқари (деликт) жавобгарликнинг параллел ривожланишига асосланади. Деликт мажбуриятларига келадиган бўлсак, юридик адабиётларда «зарар етказиш оқибатида мажбурият» ва «зарар етказганлик учун жавобгарлик» тушунчалари бир маънодаги тушунчалар сифатида қўлланилади ва иккала тушунчада ҳам асосий атама «жавобгарлик» ҳисобланади. Ушбу қоида ўз аксини ФК «Зарар етказиш оқибатида мажбурият» номли 57-бобида топган бўлиб, унинг 985-моддаси зарар етказганлик учун жавобгарликнинг умумий асосларига бағишланган.

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан ноқонуний эркин баҳраманд бўлиши ҳолатида суд тартибида ҳуқуқбузар томонидан ноқонуний эркин фойдаланиш амалга оширилган ахборотни ошкор қилиш ва ундан фойдаланишни тақиқлашни талаб этиш мумкин эди. Ушбу тақиқ ноинсоф ҳуқуқбузарларга нисбатан қонун кучига асосан автоматик тарзда вужудга келиши лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонунида бошқа шахснинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотига ноқонуний ва ноинсоф тарзда эркин фойдаланиш имкониятини қўлга киритган шахс суд қарорига асосан

жабрланувчига пул компенсациясини тўлашга мажбур этилишини назарда тутувчи нормани мустаҳкамлаш лозим.

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси, ушбу ахборотга инсофли эркин фойдаланиш имкониятига эга шахсга нисбатан, агар фақат ушбу инсофли қўлга киритувчи ўз тадқиқотлари натижасида худди шундай ахборот олганлигини исботламаса, асоссиз бойиб кетиш бўйича талаб келтириши мумкин. Бундай ҳолатни исботлай олмаса, асоссиз бойиб кетиш инсофли қўлга киритувчи тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланиш учун унинг эгаси билан шартнома тузганида унга тўлаши лозим бўлган миқдорда ифодаланади.

## ХУЛОСА

Фуқаролик муомаласида конфиденциал ахборотдан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот натижасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида конфиденциал ахборот ўрнининг ортиши, шунингдек Ўзбекистон Республикасида конфиденциал ахборот турларининг ҳуқуқий режимини ўрнатиш билан боғлиқ муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида уч асосий ҳимоя объектлари гуруҳини, яъни ахборот ва унга бўлган ҳуқуқларни (жумладан, ахборотдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқи, сир сақлаш ҳуқуқи, интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқ) ҳимоя қилиш; инсон ва жамиятни зарарли ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш; ахборот тизимлари ва уларга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилишни ўз ичига олувчи ахборот ҳуқуқининг янги комплекс кичик тармоғи – «Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқ»ни шакллантириш асослантилган.

2. Амалдаги қонунчиликни инобатга олган ҳолда, шунингдек конфиденциал ахборот турларининг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги турлича тушунчаларни асоссиз айнан бир деб ҳисобланишини олдини олиш мақсадида «конфиденциал ахборот», «сир», «тижорат сирини», «тижорат сирининг ҳуқуқий режими», «ноу-хау» каби тушунчаларнинг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

3. Турли хусусиятлардан (эга, пайдо бўлиш ёки эга бўлиш асоси, фаолият соҳаси, конфиденциаллик даражаси) келиб чиққан ҳолда чегараланган фойдаланишда бўлган ахборотни таснифлашнинг илмий мезонлари ишлаб чиқилган.

4. Тижорат сирини икки маънони англатадиган тусга эга эканлиги тўғрисида хулосага келинган. Бир тарафдан, интеллектуал мулк объекти сифатида тижорат сирини ташкил этувчи ахборот инсоннинг интеллектуал фаолияти натижасида вужудга келади.

Бироқ, бошқа тарафдан, бугунги кунда тижорат сирини ва интеллектуал мулк объектлари орасида уларнинг механизми ва муҳофаза қилиш

мақсадларида фарқлар мавжуддир. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги ва яширинганлиги оқибатида тижорат қимматга эга бўлса, интеллектуал мулк объектлари эса учинчи шахсларга очиклиги ва кўп ҳолатларда кенг тарқалганлиги учун қимматли ҳисобланади (масалан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси).

5. Тижорат сирини бу ҳуқуқ нормалари кўринишида давлат томонидан ўрнатилган ва давлат мажбурлови кучи билан таъминланган ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий тартибидир.

Конфиденциал ахборотнинг элементлари аниқланган: тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар конфиденциаллигига бўлган ҳуқуқ; фойдаланилиши учун ижозат берилиши бўйича конфиденциал ахборотга кирадиган ахборот категорияларини белгилаш; конфиденциал ахборотни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тарбини белгилаш.

6. Хорижий қонунчилик таҳлили асосида хизмат сирини фуқаролик ҳуқуқининг эмас, маъмурий ҳуқуқ объекти эканлиги тўғрисида хулосага келинганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ФК 98-моддасидан хизмат сирини чиқариб ташлаш асослантирилган. Ушбу модданинг янги таҳририда тижорат сирини бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги учун жавобгарликни белгилаш асослантирилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ФК 98-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилиши кўрсатилган:

«98-модда. Тижорат сирини

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот, агар у ҳақиқий ёки потенциал тижорат қийматига эга бўлган ҳолатда, ундан қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган ва ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилишни таъминлаш чораларини кўрган ҳолларда фуқаролик қонунчилиги билан ҳимоя қилинади.

Мазкур ахборотни ноқонуний усуллар билан қўлга киритган шахслар, шунингдек меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномага ҳилоф равишда тижорат сирини ошкор қилган хизматчилар ёхуд контрагентлар етказилган зарарни қоплашлари шарт».

7. Ноу-хау тушунчасига амалий масалаларни ҳал этиш усуллари оид маълумотлар, шунингдек рақобат мавжуд бўлган исталган соҳада қўлланилиши ижобий самара берадиган бошқа конфиденциал ахборот кириши мумкинлигини инобатга олган ҳолда ноу-хау ҳар доим ҳам тижорат сирини ҳисобланадиган ахборот қаторига кирмаслиги тўғрисида хулосага келинган. Бу билан ноу-хау эгасига фақат тижорат қимматга эга бўлган тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан тубдан фарқланади. Конфиденциал ахборот тури сифатида ноу-хау фақатгина тижорат сирини режимига тушмайди. Айрим ҳолларда ноу-хау бошқа сирларнинг режимида муҳофаза этилиши лозим (масалан, давлат, хизмат ва бошқалар).

Ноу-хаунинг ҳуқуқий тартибга солиниши тижорат сирини режими доирасида амалга оширилганда, ноу-хау «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли нормаларида ўз аксини топади. Тегишли қонун

Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонунида акс эттириш лозим.

8. Инновацион фаолият бевосита изланиш ва ишланмалар натижалари, ихтиро ва старт-аплар (ғоялар)ни бозорда жорий этилган янги такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда фойдаланиладиган янги технологик жараён ёки ижтимоий хизматларга нисбатан янги ёндашувга ўзгаришига боғлиқдир. Бу ҳолатда, шубҳасиз, корхонанинг ахборот ресурслари, жумладан тижорат сири ва ноу-хау каби таркибий қисмларни тегишли ҳимоя қилиш лозимдир. Конфиденциаллик тўғрисидаги келишувнинг тўғри шакллантирилган шартлари, расмийлаштирилган ноу-хау ва бизнесни ҳимоя қилишнинг олдиндан ўйланган стратегияси қонунчилик такомиллашмаганлиги ва суд амалиёти зид бўлганлиги шароитида ҳам старт-ап ғоясини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Шу сабабли, ноу-хаунинг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонунини тижорат сири режимида ноу-хаунинг ҳуқуқий мақомини белгилашга, ноу-хау эгалари ҳуқуқларига, ноу-хауни топширишга, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни амалга ошириш оқибатида вужудга келган ноу-хауга бўлган ҳуқуққа оид қоидаларни ўз ичига оловчи боб билан тўлдириш лозим.

9. Кўпроқ моддий дунё объектларига тааллуқли мутлақ ҳуқуқдан ташқари, конфиденциалликка бўлган ҳуқуқ ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳуқуқ номоддий шакл кўринишидаги ахборотни тавсифлашда қўлланилиши лозимлиги асослантирилган.

10. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси ҳуқуқларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш асослантирилган: ўз ҳаракатларига бўлган ҳуқуқ; талаб этиш ҳуқуқлари; ҳимояга бўлган ҳуқуқ.

11. Конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усулларини икки гуруҳга ажратиш асослантирилган: конфиденциал ахборотни ноқонуний қўлга киритишдан ҳимоя қилиш усуллари; конфиденциал ахборотдан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш усуллари.

Шу билан бирга, ишдан бўшатиладиган сўнг маълум вақт давомида иш берувчи фаолият юритган соҳада фаолият юритмаслик тўғрисидаги ишдан бўшаётган ходимнинг ёзма мажбурияти ҳисобланадиган рақобат қилмаслик тўғрисидаги келишув (covenants not to compete) каби тижорат сири эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш усулини амалиётда қўллаш тўғрисида биринчи марта хулосага келинган. Мазкур келишувларга миллий қонунчиликда алоҳида эътибор қаратилади, чунки ходим томонидан иш берувчининг тижорат сирини ташкил этувчи ахбороти ошкор қилинганда, мазкур келишувлар ходимни жавобгарликка тортишга ва етказилган зарарни ундиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

12. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаларининг ҳуқуқлари мутлақ ҳуқуқий муносабатлардан эмас, балки нисбий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши ҳақидаги тўхтамга келинган.

Тижорат сири тўғрисидаги амалдаги қонунчилик таҳлили асосида тижорат сирини ташкил этувчи ахборотга бўлган ҳуқуқ субъектлари сифатида доимий равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар намоён бўлиши асослангандир.

Тижорат сирини ташкил этадиган маълумотларни қонун, шартнома ёки меҳнат муносабатлари асосида қўлга киритган шахслар ушбу маълумотлар конфиденциаллигини сақлашлари лозим ва маълумотлардан унинг эгаси белгилаб берган доирада фойдаланишлари мумкин.

13. Тижорат сири субъектларининг ҳуқуқий мақоми турли шарҳланишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни 3-моддаси қоидаларини қуйидаги тушунчалар билан тўлдириш тўғрисидаги хулосага келинган:

– тижорат сири эгаси – тижорат сирига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишни амалга ошираётган ва унга нисбатан тижорат сири режимини ўрнатган юридик ёки жисмоний шахс;

– тижорат сири confidentлари бу:

– ходимлар – тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси билан меҳнат шартномаси асосида меҳнат муносабатларида бўлган шахс;

– контрагентлар – тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси ушбу ахборотни фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида топширган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс;

– ҳокимият органлари – тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан қонун асосида ўз хизмат вазифасини бажариш юзасидан фойдаланиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари (солик, божхона, прокуратура, сўриштирув, тергов, суд органлари ва бошқалар);

– бошқа шахслар – тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси ушбу ахборотни давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган хизмат фаолиятини бажариши учун тақдим этган шахслар (аудиторлар, адвокатлар, таржимонлар, гувоҳлар, суғуртачилар ва бошқа шахслар).

14. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг алоҳида тури – тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги шартномалар орқали амалга оширилиши лозим. Мазкур шартнома кўплаб мамлакатларда алоҳида турдаги шартнома – *sui generis* сифатида тавсифланиб, ушбу шартнома ахборотнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида алоҳида мақомга эга эканлиги инобатга олган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг маълум бўлган бирон бир турига кирмайди.

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни тақдим этиш бўйича шартномалар тузилаётган шартнома характеридан келиб чиқиб, қуйидаги тарзда гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) конфиденциал ахборот мажбурий (бевосита) элемент ҳисобланадиган шартномалар;

2) конфиденциал ахборот тузилаётган битимнинг бир элементи ҳисобланадиган шартномалар.

Мазкур шартномалар конфиденциал ахборотни бир томонлама ёки ўзаро тақдим этиш тамойили бўйича таснифланади. Уларнинг барчасида конфиденциаллик шартлари тўғрисидаги бўлими мавжуд бўлиши мумкин.

15. Корхона олди-сотдиси шартномасини тайёрлаш ва амалга оширишда контрагентлар тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни бири-бирига тақдим этишлари мумкин, бироқ бунда дарҳол конфиденциаллик тўғрисидаги изоҳни киритиш ёки сотилаётган корхонанинг тижорат сирини ҳисобланадиган ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида алоҳида ҳужжатни қабул қилиш лозимлиги ҳақидаги хулосага келинган. Ушбу шартнома предметда сотувчи тижорат сирини ҳисобланадиган тақдим этиладиган ахборот рўйхатини, оловчи эса тижорат сирини ҳисобланадиган ахборотни олиш мақсадини ва унинг ҳуқуқий асосларини кўрсатади. Сотиб оловчи шунингдек учинчи шахсларга мазкур ахборотни ошкор этмаслик, ахборот тарқалиб кетишини олдини олиш мақсадида мазкур ахборот конфиденциаллиги даражасига риоя этиш мажбуриятини олади.

16. «Топшириш» ва «тақдим этиш» сўзлари бир хил эканлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонунида «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни топшириш» тушунчасидан воз кечиш, унинг ўрнига тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан эркин фойдаланишни ташкил этишга қаратилган тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгасининг ҳаракатларини англатадиган, умумий тушунча ҳисобланадиган «тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш» тушунчасидан фойдаланиш лозимлиги тўғрисидаги хулоса қилинган.

Шундай қилиб, юқоридагиларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонуни 14-моддасининг қуйидаги таҳрири тақлиф этилади:

«14-модда. Тижорат сирини эгаси томонидан тижорат сирини confidentга тақдим этишда уни ҳимоя қилиш

Тижорат сирини эгаси confidentга тақдим этилган тижорат сирини шартномага мувофиқ ошкор этмаслиги шарт.

Confident шартнома бўйича олинган тижорат сирини confidentлигини сақлаши шарт».

17. Тижорат сирини тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонунида тижорат сирини трансчегаравий тақдим этиш мумкинлиги тўғрисидаги қондан мустаҳкамлаш лозим:

«3-модда. Асосий тушунчалар

тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни тақдим этиш бу – тижорат сирини ташкил этувчи ва моддий жисмда мустаҳкамланган ахборотни унинг эгаси томонидан тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома асосида, мазкур шартномада белгиланган ҳажм ва шартларда, жумладан шартномага асосан

ахборот конфиденциаллиги бўйича чораларни қўллаш шарти билан контрагентга тақдим этиш;

тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни трансчегаравий тақдим этиш – тижорат сирини ташкил этувчи ва моддий жисмда мустаҳкамланган ахборотни унинг эгаси томонидан тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги шартнома асосида, мазкур шартномада белгиланган ҳажм ва шартларда, жумладан шартномага асосан ахборот конфиденциаллиги бўйича чораларни қўллаш шарти билан хорижий контрагентга тақдим этиш».

18. Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасини хўжалик субъектлари раҳбарлари томонидан тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этилиши чоғи уларнинг конфиденциаллиги бузилган ҳолатларда давлат ҳокимияти органлари жавобгарлигини белгилашга имкон берадиган норма билан тўлдириш асосланган:

«16-модда. Тижорат сирини тақдим этилганида унинг конфиденциаллигини таъминлаш

Давлат органлари тижорат сирининг эгаси ёки конфидент томонидан тақдим этилган тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар конфиденциаллигини таъминлайдиган шартларни яратишга мажбур.

Давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси розилигисиз ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ошкор бўлган тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни бошқа шахсларга, давлат ҳокимияти органларига ошкор этиш ёки топширишга, шунингдек ушбу ахборотдан ғараз ва бошқа шахсий ниятларда фойдаланишга ҳақли эмас, мазкур Қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари томонидан ахборот конфиденциаллиги бузилган ҳолатларда, мазкур шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар».

19. Ўзбекистон Республикаси «Тижорат сирини тўғрисида»ги Қонунига тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини назарда тутувчи алоҳида нормани киритиш тўғрисидаги хулосага келинмоқда. Ушбу рўйхат ҳам тадбиркорларнинг ўзини ҳимояланганлик даражасини ортишига олиб келади, ҳам хўжалик субъектларининг конфиденциал бўлган фаолиятига давлат органлари томонидан ғайриқонуний аралашувига йўл қўймайди:

«...-модда. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотга қуйидагилар кириши мумкин:

1) корхона, ташкилот, муассаса ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг технологик, ишлаб чиқариш, ташкилий, маркетинг, интеллектуал, реклама ва бошқа хусусиятлари тўғрисидаги маълумот;



2) корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг касбий, иш, ишлаб чиқариш, банк ва бошқа манфаатлари предмети ҳисобланадиган маълумотлар;

3) ишлаб чиқаришни бошқариш тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;

4) молиялаштириш манбалари тўғрисидаги маълумотлар;

5) тузилган шартнома, қўлланиладиган нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

6) потенциал олувчи ва етказиб берувчилар тўғрисидаги маълумотлар;

7) корхона, ташкилот, муассаса ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг патентланмаган илмий-техник ишланмалари;

8) корхона, ташкилот, муассасанинг ходимлари ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан яратилган маълумотлар базаси ва ЭҲМ учун дастурлар;

9) бухгалтерлик ҳисоби ва ички бухгалтерлик ҳисобдорлиги мазмуни;

10) мазкур Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тижорат сирига кирадиган бошқа маълумотлар.

Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот қоғоз ёки магнит жисмда, аудио-, видеоёзув, кино-, фотоплёнка кўринишида бўлиши мумкин».

20. Амалиётда конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқ бузилганлиги муносабати билан етказиладиган зарар миқдорини аниқлаш мушкуллигини инобатга олган ҳолда қонунчиликда конфиденциал ахборотга бўлган ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан зарарни қоплашга муқобил бўлган санкцияни назарда тутиш лозимлиги тақлиф этилади. Қонунчиликда бошқа шахснинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотига ноқонуний ва ноинсоф тарзда эркин фойдаланиш имкониятини қўлга киритган шахс суд қарорига асосан жабрланувчига ноқонуний фойдаланиш вужудга келган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд томонидан белгиланган миқдорда пул компенсациясини тўлашга мажбур этилишини назарда тутувчи нормани мустаҳкамлаш лозим.

21. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборот эгаси инсофли қўлга киритувчи томонидан ундан фойдаланишни олдини олиш имкони бўлмаганда инсофли қўлга киритувчи билан тарафлар томонидан белгиланган шартларда, бундай шартлар бўлмаганда суд қарорига асосан тижорат сирини ташкил этувчи ахборотдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тузишни талаб этиши лозимлиги тўғрисидаги хулосага келинган

22. Тижорат сирини ташкил этувчи ахборотни мустақил олиш ҳолатларида, миллий цивилистикада биринчи бор хорижий амалиётда кенг жорий қилинган ва «cleanroom» – «тоза хона» номини олган услубиётни қўллаш тавсия этилади. Унинг мазмуни бирон бир технология ёки маҳсулот ўзганинг тижорат конфиденциал ахборотидан фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқилганлигини тасдиқлашдан иборат. Ушбу мақсадларда, гуруҳ мутахассисларга умумтарқалган материал ва маълумотлардан фойдаланган ҳолда маълум топшириқ берилади (масалан, технологияни

ишлаб чиқиш). Уларга келиб тушадиган барча ахборот ўзганинг ишлаб чиқариш сиридан фойдаланишни олдини олиш мақсадида синчковлик билан текширилади. Жараён обдон текширилиб, хужжатлаштирилади, шунингдек моддий жисмларга ёзилади. Низо пайдо бўлганда, мазкур ёзув ва хужжатлар янги маҳсулот ахборот олишнинг ноқонуний усулларида фойдаланилмаган ҳолда яратилганлиги исботи бўлиб хизмат қилади.

23. Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сирига оид қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Конфиденциал тусдаги маълумотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, шунингдек Корхонанинг тижорат сири ва конфиденциал ахбороти тўғрисидаги намунавий низомлари лойиҳалари ишлаб чиқилган ва тегишли органларга юборилган.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES  
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

---

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

**RAIMOVA NARGIZA DOROYEVNA**

**USAGE AND PROTECTION OF CONFIDENTIAL  
INFORMATION IN CIVIL TURNOVER**

**12.00.03 – Civil Law. Business Law.  
Family Law. International Private Law**

**DOCTORAL (DSc) DISSERTATION ABSTRACT  
ON LEGAL SCIENCES**

**Tashkent – 2018**

**The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.2.DSc/Yu37.**

The doctoral dissertation is prepared at the Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Russian, Uzbek and English (abstract)) on the website of the Scientific Council ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) and Information educational portal «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Official Opponents:**

**Nasriev Ilkhom Ismoilovich**

Doctor of Science in Law, Associate Professor

**Sindarov Komil Oydinovich**

Doctor of Science in Law

**Rakhmonkulova Nilufar Khodji-Akbarovna**

Doctor of Science in Law

**The leading organization:**

**The Lawyers` Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on May « 22 », 2018 at 14:00 at the session of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Yu.22.01 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Tashkent city, Sayilgokh street, 35. Phone: (99871) 233-66-36, fax: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

The doctoral dissertation is available at the Information-Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No.841), (Address: 100047, Tashkent city, A.Timur street, 13. Phone: (99871) 233-66-36).

Abstract of the dissertation submitted on May « 7 », 2018.  
(Registry protocol No.1 of May « 7 », 2018).

**N.S.Salaev**

Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

**U.A.Tuxtasheva**

Secretary of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Professor

**N.F.Imomov**

Deputy Chairman of the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Associate Professor

## INTRODUCTION (Annotation of the doctoral dissertation)

**The aim of the research** is to develop proposals and recommendations to improve the regulation of civil-law relations in the field of usage and protection of confidential information in civil turnover in the Republic of Uzbekistan.

**The object of the research** is the system of the civil-law relations in the sphere of usage and protection of confidential information, in particular a trade secret.

**The scientific novelty of the research** includes the followings:

The proposal that the information contained in the constituent documents of the legal entity, the documents confirming the fact of making entries about legal entities, individual entrepreneurs and farms without forming a legal entity in the relevant state registers, are not information constituting a trade secret have been substantiated;

Proposals on the right of the holder of a trade secret to enter into commercial circulation a trade secret on the basis of contracts providing for the inclusion in them of conditions for the protection of its confidentiality have been substantiated;

The rules for issuing persons to information and documents containing the corporate secret and the confidential information of the enterprise, as well as effective accounting, storage, disaggregation and usage of documents and cases containing a corporate secret and confidential information have been substantiated;

New civil-legal constructions of the standard clause on commercial secret and confidential information of the enterprise have been substantiated.

**Implementation of research results.** The methodological and practical proposals for the improvement of the codification of legislation on civil law have been developed:

At the adoption of Law of the Republic of Uzbekistan «On a trade secret» dated 11.09.2014 No. LRU-374 concerning the establishment of the list of information which can be a trade secret, requirements to a trade secret, establishment of legal status of persons of law on information which is a trade secret, responsibility of public authorities for violations of a legal regime of information which is a trade secret, definition of legal status of a trade secret and know-how, protection of a trade secret in the course of labor-law relations and also limits of acquaintance with a trade secret in the court (in particular, paragraphs 1,2 parts 1 of article 4; paragraphs 2,3,4,6,7,8,9,10,11 parts 1 of article 5; paragraphs 1,7 parts 2 of article 6; parts 1,2 of article 11; the paragraph 2 parts 2 of article 17 of the above-stated Law) (reference of the Committee on the legislation and judicial and legal questions of the Senate of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan of January 30, 2017 No. 06-18/792). Implementation of these norms will lead to further improvement of the legislation in the sphere of protection of the rights for a trade secret;

Points 1.3.-2.0., 2.7.-4.6. of the «Standard provision on a trade secret and confidential information of the enterprise» have been used at the introduction of amendments and additions in the «Provision on a trade secret of SJSC «Uztransgaz» concerning the admission of persons to the data and documents

containing a trade secret and confidential information of the enterprise, effective account, storage, reproduction and usage of the documents and affairs containing a trade secret and confidential information and also responsibility of the employee of the enterprise at disclosure of commercial confidential information of the enterprise (reference of the SJSC «Uztransgaz» dated on 14 December of 2016 No. 02-04-12-478/7468). These proposals will increase the efficiency of usage and legal protection of commercial confidential information at the enterprise;

Annexes No. 1,2 of the «Standard provision on a trade secret and confidential information of the enterprise» have been used at the introduction of amendments and additions in the «List of the data which are a trade secret of SJSC Uztransgaz» and also in the «List of the data making confidential information of SJSC Uztransgaz» (reference of the SJSC «Uztransgaz» of December 14, 2016 No. 02-04-12-478/7468). Implementation of these proposals will increase the efficiency of a legal regulation of commercial confidential information at the enterprise.

**Structure and volume of the dissertation.** The doctoral dissertation consists of introduction, 4 chapters covering 16 paragraphs, conclusion, a list of used literature and applications. The volume of the dissertation consists of 246 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I часть (I бўлим; I part)**

1. Раимова Н.Д. Актуальные проблемы использования и защиты коммерческой тайны в гражданском обороте в Республике Узбекистан. Монография / Отв. ред. О.Окюлов. – Ташкент: LESSON PRESS, 2018. – 247 с.
2. Раимова Н.Д. Гражданское право (Общая часть). Учебное пособие. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2013. – 77 с.
3. Раимова Н.Д. Гражданское право (Особенная часть). Учебное пособие. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2014. – 123 с.
4. Раимова Н.Д. Таможенное право. Учебно-методическое пособие. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2014. – 150 с.
5. Раимова Н.Д. Таможенное право. Учебное пособие. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2016. – 75 с.
6. Раимова Н.Д. Особенности правового регулирования конфиденциальной информации в Республике Узбекистан: этапы и перспективы развития // Вестник Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. – Ташкент, 2013. – № 3. – С. 48-51. (12.00.00; № 11).
7. Раимова Н.Д. Правовое регулирование тайны завещания в Республике Узбекистан // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2014. – № 6. – С. 74-78. (12.00.00; № 3).
8. Раимова Н.Д. Правовая защита обладателей коммерчески ценной информацией в суде // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. – № 2. – С. 78-82. (12.00.00; № 3).
9. Раимова Н.Д. Промышленный шпионаж как наиболее распространенное правонарушение в сфере защиты прав на коммерчески ценную информацию // Вестник Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. – Ташкент, 2015. – № 3. – С. 61-65. (12.00.00; № 11).
10. Раимова Н.Д. Роль и значение конфиденциальной информации в современных условиях на примере опыта зарубежных стран // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2016. – № 3. – С. 85-90. (12.00.00; № 3).
11. Раимова Н.Д. Актуальные проблемы правовой защиты коммерческой тайны в Республике Узбекистан // Обзор законодательства Узбекистана. – Ташкент, 2016. – № 2. – С. 28-29. (12.00.00; № 9).
12. Раимова Н.Д. Правовой режим коммерческой тайны в гражданском обороте // Вестник Академии МВД Республики Узбекистан. – Ташкент, 2016. – № 3. – С. 12-15. (12.00.00; № 12).

13. Раимова Н.Д. Право субъектов на коммерческую тайну // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2016. – № 12. – С. 65-70. (12.00.00; № 3).

14. Raimova N.D. The actual problems of legal protection of commercial secrets // International Journal of Advanced Research. – India, 2016. Volume 4, Issue 6, 1260-1264 (Impact Factor № 6.118. – Index Copernicus – 56.43).

15. Раимова Н.Д. Об особенностях правовой охраны коммерческой тайны предприятия по законодательству Республики Узбекистан // Российский следователь. – Москва, 2016. – № 22. – С. 43-46. (12.00.00; № 30).

16. Раимова Н.Д. Содержание субъективных прав на коммерческую конфиденциальную информацию // Вестник Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. – № 4. – С. 83-87. (12.00.00; № 3).

17. Раимова Н.Д. Информация как объект правового регулирования // Обзор законодательства Узбекистана. – Ташкент, 2017. – № 1. – С. 47-48. (12.00.00; № 9).

18. Раимова Н.Д. Тайна как режим охраны конфиденциальной информации в гражданских правоотношениях // Вестник Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. – Ташкент, 2017. – № 3. – С. 69-71. (12.00.00; № 11).

19. Раимова Н.Д. Особенности защиты прав обладателей коммерческой тайны в рамках внедоговорных отношений // Вестник каракалпакского государственного университета им. Бердаха. – Нукус, 2017. – № 3. – С. 114- 116. (12.00.00; № 8).

20. Раимова Н.Д. О некоторых особенностях правовой регламентации коммерческой конфиденциальной информации по законодательству зарубежных стран // Жамият ва бошқарув. – Ташкент, 2017. – № 4. – С. 185-192. (12.00.00; № 6).

21. Раимова Н.Д. О некоторых аспектах правового регулирования коммерческой тайны по законодательству зарубежных стран // *Polityka. Państwo i Prawo. Priorytetowe obszary badawcze: od teorii do praktyki: Konferencji Międzynarodowej Naukowo-Praktycznej* (30-31.05.2016). – Warszawa: Wydawca: Sp. z o.o. Diamond trading tour, 2016. – Str. 13-16.

22. Раимова Н.Д. Проблемы, возникающие при предоставлении информации, составляющей коммерческую тайну по законодательству Республики Узбекистан // Актуальные проблемы юридических наук: теория и практика: Международная научно-практическая конференция (27-28.10.2016). – Душанбе: РТСУ, 2016. – С. 211-215.

23. Раимова Н.Д. Проблемы правового регулирования государственной тайны в деятельности оборонных предприятий в Республике Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари: Республиканская научно-практическая конференция. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2016. – С. 121-125.

24. Раимова Н.Д. Проблемы правового регулирования договорных отношений при трансграничном предоставлении коммерческой конфиденциальной информации // Актуальные вопросы правового



регулирования внешнеэкономической деятельности: Республиканская научно-практическая конференция. – Ташкент: ТГЮУ, 2017. – С. 79-83.

## II часть (II бўлим; II part)

25. Раимова Н.Д. Охрана семейной тайны по законодательству Республики Узбекистан // Ёш олимларнинг илмий мақолалари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2013. – № 1. – С. 63-68.

26. Раимова Н.Д. Третьейские суды как один из самых эффективных способов разрешения споров в современном обществе // Фан ва ёшлар: ТДЮИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларининг илмий мақолалари тўплами. – Тошкент: ТДЮИ, 2013. – № 1. – С. 34-37.

27. Раимова Н.Д. Бозор иқтисодиёти шароитида махфий ахборотнинг роли // Адвокат. – Ташкент, 2013. – № 5. – С. 11-12.

28. Раимова Н.Д. Коммерческая тайна предприятия: особенности определения ее правового статуса на примере зарубежных стран // Адвокат. – Ташкент, 2014. – № 2. – С. 41-44.

29. Раимова Н.Д. Анализ зарубежного законодательства в сфере защиты коммерческой тайны в условиях рыночной экономики // Надежда. – Нью-Йорк, 2014. – № 217. – С. 20-22.

30. Раимова Н.Д. Махфий ахборот олишда ҳуқуқий ҳимоя масалалари // Адвокат. – Ташкент, 2015. – № 3. – С. 18-21.

31. Raimova N.D. The analysis of foreign legislation in the sphere of commercial secrets protection in a market economics // World Voice newspaper. – New-York, 2015. – № 21. – P. 6-7.

32. Раимова Н.Д. Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш // Адвокат. – Ташкент, 2016. – № 1. – С. 25-27.

33. Раимова Н.Д. Правовое регулирование коммерческой тайны в Республике Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Научно-практическая конференция. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2016. – С. 192-199.

34. Раимова Н.Д. Роль предпринимательства в жизнедеятельности населения Южного Приаралья // Актуальные вопросы археологии, этнографии, истории и историографии Южного Приаралья: Международная научно-теоретическая конференция (22-23.11.2016). – Нукус: НМПИ, 2016. – С. 301-303.

35. Раимова Н.Д. Гражданско-правовое регулирование тайны как режима охраны информации ограниченного доступа // Современное состояние и тенденция развития законодательства Республики Таджикистан и стран СНГ: Международная научная конференция (28.04.2017). – Душанбе: РТСУ, 2017. – С. 528-531.

36. Раимова Н.Д. Соотношение коммерческой тайны и ноу-хау в гражданских правоотношениях // Фуқаролик ҳуқуқини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Международнй «круглый стол». – Ташкент: ТГЮУ, 2017. – С. 477-482.

37. Раимова Н.Д. К вопросу о правовой защите коммерчески ценной информации по законодательству Республики Узбекистан // Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари: Научно-практическая конференция. – Ташкент: Институт СНБ Республики Узбекистан, 2018. – С. 25-32.

Автореферат отредактирован в редакции журнала  
«Обзор законодательства Узбекистана»  
(01.05.2018)

Подписано в печать: 03.05.2018  
Формат 60x45 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>, гарнитура шрифта «Times New Roman»  
Бумага офсетная. Печатных листов 4,5  
Тираж: 100. Заказ: №47

100060, Ташкент, ул. акад. Я.Гуломова, 74

Отпечатано в типографии  
«TOP IMAGE MEDIA»

